



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (13.686)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойининг ижтимоий ҳаётимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2018 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 17 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини азалий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган эзгу ғоялар, динимиз арконларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжман кимшиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ "МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ "МИСИС"НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш, олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Олмалиқ ТМК" АЖ, "Наврий КМК" ДК, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг (Россия Федерацияси) Олмалиқ шаҳрида (Тошкент вилояти) Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

республиканинг ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

металлургия, қончилик иши ва саноат ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;

мутахассислар ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фаннинг узвийлиги ҳамда узлуksизлиги, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мажбурий интеграция ҳисобига ривожлантириш;

муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва илмий фаолиятининг ишлаб чиқариш-саноат фаолияти билан узвий интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

педагогик салоҳиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларини фаол тақомиллаштириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари,

илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес-ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг (кейинги ўринларда – "МИСИС" МТТУ) алоҳида таркибий бўлимаси ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, таълимнинг келишилган асосий йўналиш(мутахассислик)лари бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиалда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда "МИСИС" МТТУ томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар бўйича амалга оширилади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларининг аттестацияси "МИСИС" МТТУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган "МИСИС" МТТУнинг белгиланган намунадаги дипломи берилди.

4. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий тадқиқот технологик университети "МИСИС"нинг Олмалиқ шаҳридаги филиалида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг асосий йўналиш(мутахассислик)лари 1-иловага мувофиқ маълумлансин.

5. Филиалга текин фойдаланиш учун: Наврий давлат қончилик институтининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-ўй манзилида жойлашган биноси;

2017/2018 ўқув йили якуни бўйича фаолияти тугатилган Олмалиқ саноат касб-хўнара коллежининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган биноси берилсин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ, УЛАРГА ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ДАВОЛАШНИ ТУБДАН ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, ихтисослаштирилган, шошилинч ва тез тиббий ёрдамни, фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тақомиллаштиришга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Эришилган ижобий натижаларга қарамай, аллергия касалликларига ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда профилактика қилиш соҳасида жидайд муаммо ва камчиликлар сақланиб келмоқда. Хусусан:

биринчидан, аллергиянинг фундаментал ва амалий асослари амалий тиббиётдан ажралган ҳолда ривожланиши принципал янги, молекуляр даражада аллергия касалликларига ташхис қўйиш ва даво-

лашнинг замонавий усулларини амалиётга кенг жорий этишга ҳамда қўллашга етарлиқа эътибор қаратиш имконини бермапти;

иккинчидан, тиббиёт муассасаларини даволаш-диагностика аллергиялари билан таъминлашдаги камчиликлар тиббиёт амалиётида антибиотиклар, антигистамин ва гормонал дори воситаларининг асосиз равишда кенг қўлланилишига олиб келмоқда;

учинчидан, жойларда аллергия касалликларининг бирламчи ва иккиламчи олдани олиш, ихтисослашган аллергиялогик ёрдамни таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар қўрилмапти, оқибатда беморлар вилоят марказларида ва республиканинг пойтахтида даволашига мажбур бўлмоқдалар;

тўртинчидан, мазкур соҳада кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими замон талабларига жавоб бермайди, бунинг оқибатида тиббиёт муассасаларини малакали врач-аллерголог ва иммунологлар билан тўлдирish қониқарсиз аҳволда қолмоқда;

бешинчидан, ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва алмашиш, ишончли статистик хисобот юритишнинг самарали механизми йўлга қўйилмаган, аллергиялогик ёрдам кўрсатиш соҳасида тиббиёт муассасаларининг ихтисослашган бўлиmlарини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ягона тизим мавжуд эмас;

олтинчидан, тиббиёт муассасаларининг, жумладан, Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогия марказининг

моддий-техник базаси, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланганлик даражаси аллергия касалликларига самарали ташхис қўйиш ва уларни даволаш имконини бермайди.

Ихтисослаштирилган аллергиялогик ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш, унинг сифатини яхшилаш ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аллергия касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволашда илгор услубларни жорий этиш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА


● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қозғистон Республикаси Ички ишлар вазирларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида тизимда амалга оширилаётган ислохотлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Трансчегаравий жиноятларга қарши курашиш ва ўзаро келишган ҳолда тезкор-қидирув тадбирларини олиб боришда Ички ишлар вазирликлари ўртасида алоқаларни кен-

гайтириш, терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди.

● Наманган вилояти Учқўрғон туманида "Ёшларнинг харбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – фаолиятимизнинг муҳим йўналиши" шiori остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон мудофазасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши томонидан вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, маданият ва халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

● Бобўт туманида Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Обод кўнгли" тарғибот лойиҳаси доирасида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. "Ёшлар – Ўзбекистон келажаги!" шiori остида ташкил этилган тадбирда таъкил маданият ва санъат арбоблари, шoir-ёзувчилар, турли идоралар раҳбар ва мутасаддилари

гурuhlарга бўлган ҳолда тумандаги мавжуд 20 минг 296 хонадоннинг 13 минг 17 тасида бўлиб очiq мулоқотлар ўтказди, 63 ижтимоий соҳа объектининг ҳолати ўрганилди.



● Жаҳондаги ахборот узатиш соҳасида етакчилик қилишни тақомиллаштириш Google компанияси феик янгиликларига барҳам бериш мақсадида ўзининг янгиликлар сервисини янгилаган ҳолда қайтадан ишга туширмоқда.

● Ҳиндистондаги қондан топишган, ҳозирда Швейцарияда сақланаётган 300 йиллик тарихга эга, оғирлиги 6,16 қаратли машҳур бриллиантнинг "Сотбис" аукционига қўйилиши маълум қилинди. Илк бор 1714 йилда испан қиролчилигига соғва қилинган мазкур қимматбаҳо тош кейинчалик бир неча марта қўлдан қўлга ўтган бўлиб, бу гал у 15 майда савдога қўйилади ва 3-5 миллион долларга сотилиши кўзда тутилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Хабар қилинганидек, жорий йил 15-17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлади. Музокаралар чоғида қатор долзарб масалалар билан бирга амалий шерикликни кенгайтириш ва ўзбек иқтисодиётига Америка сармоялари ва технологияларини жалб этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилиши кутилмоқда. Ушбу муҳим воқеа арафасида "Жаҳон" ахборот агентлиги Ўзбекистон – Америка савдо алоқаларининг замонавий ҳолати ва истиқболларини таҳлил қилди.

Америка Қўшма Штатлари кўпгина иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлар бўйича сайёрамиздаги етакчи мамлакат бўлиб қолмоқда: масалан, 2017 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 18 триллион доллардан ошди. АҚШ дунёнинг энг ди-версификациялашган постиндустриал иқтисодиёти бўлиб, унда юқори ишлаб чиқариш кўнига эга инновациялар тармоғи устун аҳамиятга эгадир. Мамлакат илмий-техникавий тараққиёт натижаларини индустрияга татбиқ этиш, ўз кашфиётларида лицензияларни экспорт қилиш, ихтиро ва энг янги ишланмалар борасида етакчилик қилмоқда. Америка ялпи ички маҳсулотининг катта қисми аллақачондан бери хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ҳисобидан шаклланиб келмоқда.

Ўз навбатида, Марказий Осиёнинг юрағида жойлашган, минтақанинг барча мамлакатлари ва Афғонистон билан чегарадош бўлган Ўзбекистон изчил ўсувчан иқтисодиёт ҳамда катта истеъмол бозорига ва, табиийки, барча қўшни давлатлар бозорига чиқиш йўлига эгадир. Арзон, бироқ юқори малакали ишчи кучи ва шитоб билан ривожланган инфра-ратузилмага эга бўлган республика ўта истиқболли сармоявий шерик ҳисобланади.

Шунинг учун Тошкент ва Вашингтон ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий алмашувларни кучайтиришга устувор аҳамият бермоқда. 1993 йилдан буён савдо муносабатларида энг қулай шароит яратиш режими амал қилмоқда. 2006 йили имзоланган АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо ва сармоялар бўйича доиравий битим (United States – Central Asia Trade and Investment Framework Agreement, TIFA) ҳам ўзаро амалий алоқаларни ривожлантиришга қўмаклашмоқда.

2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ бизнес доиралари вакиллари билан қатор самарали учрашувлар ўтказгани баробарида Американинг юздан зиёд етакчи компаниялари иштирокидаги Ўзбекистон – АҚШ бизнес форумида ҳам қатнашди. Тадбир якуни бўйича АҚШ компаниялари билан нефть-газ ва нефть-кимё жабҳаси, машинасозлик, электротехника саноати ва фуқаро авиацияси соҳаларини қамраб олган, умумий қиймати 2,6 миллиард долларга тенг бўлган йирик ҳужжатлар тўплами имзоланди. Бундан олдин, 2017 йил февралда худди шундай бизнес-форум Тошкентда ўтказилган эди.

Қўшма дастурлар ва турли жабҳалардаги лойиҳаларни илгари суришда Америка – Ўзбекистон савдо палатасининг ҳиссасини алоҳида қайд этиш жоиз. 1993 йили ташкил топган мазкур ассоциация икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига, халқ унгармандчилиги ва тўқимачилик буюмларига океан ортида катта талаб қузатилимоқда. Бу йўналишдаги аниқ мақсади кўзда тутилган ишларни йўлга қўйиш мақсадида ўтган йили Нью-Йоркда Ўзбекистон – Америка савдо уйи очилди. Унинг асосий миссияси – ишбилармон доиралар вакиллари билан манфаат ва саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, мамлакатимиз тадбиркорлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш.

Маълумки, Ўзбекистон дунёнинг кам сонли давлатлари қаторида ўзининг автомобилсозлик саноатига эга. Республикада "General Motors" корпорацияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган. У 2007 йилдан буён мамлакатимиз бозорига фаолият кўрсатмоқда. GM билан шериклик қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, автомобилларнинг янги замонавий моделлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш билан бирга ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, экспорт ҳажмларини ошириш ва унинг жүғрофиясини кенгайтириш, савдо стратегиясини тақомиллаштириш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш сингари масалаларни ҳам қамраб олган. Шу ўринда 2011 йили "General Motors Powertrain Uzbekistan" заводи ишга туширилгани, унда энгил автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқарилаётганини ҳам эсга олиш ўринли бўлади.

Жаҳон авиасаноатининг гиганти ҳисобланадиган "Boeing" мамлакатимиз учун замонавий фуқаро ҳаво кемаларини етказиб берадиган асосий шерик ҳисобланади. Яқинда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси парк иккита "Боинг" 787-8 Dreamliner билан бойиди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат байроғи ранглари туширилган "орзу лайнерлари" дунёнинг узоқ масофадаги нукталарга бeтўхтов қатновларни амалга оширмоқда. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, миллий авиакомпаниямиз яқин йиллар ичида яна тўртта ана шундай "орзу лайнери"га эга бўлади. Бундан ташқари, Boeing 2016 йили Тошкентда ишга туширилган Самолётлар композит таркибий қисмларини таъмирлаш марказини яратиш бўйича лойиҳадаги ҳамкор ҳамдир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ "МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ "МИСИС"НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: бир ой мuddатда "МИСИС" МТТУ ва "Олмалик ТМК" АЖ билан биргаликда бир ой мuddатда ўрнатилган тартибда Филиал таъсис ҳужжатларининг ишлаб чиқиши, келишилши ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминласин; бир ой мuddатда "МИСИС" МТТУ билан Филиалнинг ташкилий тузилмасини келишин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ҳуқуқат қарори лойиҳасини киритсин; 2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминласин. 7. Филиалга 2018/2019 ўқув йили учун таълимнинг кундузги шакли бўйича қабул квотаси жами 150 киши, жумладан, бакалавриятнинг "Кончилик иши" таълим йўналиши бўйича 75 киши, "Металлургия" таълим йўналиши бўйича 50 киши, "Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)" таълим йўналиши бўйича 25 киши этиб белгилансин. 8. "МИСИС" МТТУ: ўқув жараёнига-илгор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишга; мутахассисларнинг малакасини оширишга ва Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлашга; Филиалнинг кутубхона фондиди замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан шакллантириш ва тўлдиришга қўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин. 9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Олмалик ТМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Ўзқилмаччиранглиметалл" АЖ, бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш ва унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалга таълим йўналишлари ҳамда мутахассисларига бўйича қабул қилинадиган талабалар сонини юзасидан тақлифлар киритиб бориши. 10. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий тадқиқот технология университетини" "МИСИС"нинг Олмалик шаҳридаги филиали Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда - Васийлик кенгаши) шахсий таркиби 2-иловага мувофиқ маъқуллансин. 11. Белгилаб қўйилсинки: а) Филиал фаолиятини молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига талабаларни, лекин Филиалга таълим олиш учун қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳолда, давлат гранти асосида ўқитишга ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет маблағлари; талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли

бадалларидан Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пұл маблағлари; халқаро молия институтлари грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади; б) Филиални ташкил қилиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш бўйича ташкилий тадбирларни, жумладан, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориши, бино ва иншоотларни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ҳамда лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа оргтехника, кутубхона фонди билан таъминлаши, шунингдек, "МИСИС" МТТУ мутахассисларини жалб қилиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини, Филиал маҳаллий ўқитувчиларнинг стажировкаси ва малакасини ошириш харажатларини молиялаштириш "Олмалик ТМК" АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; в) "МИСИС" МТТУдан Филиалга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш; 30 кунгача бўлган қисқа мuddатли хизмат сафари бўйича - Россия Федерациясининг қонун ҳужжатлари билан олий ўқув юртлири ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ; узоқ мuddатли хизмат сафари бўйича - ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади. 12. Филиалга ўқитувчилар ва илмий ишлар учун тақлиф қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлашга рўхсат берилсин. 13. Белгилаб қўйилсинки, Филиални сақлаш учун бюджет маблағлари 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади. 14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиалга иккита автотранспорт воситасини, жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин. 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3153-сон қарори билан тузилган, Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети" "МИСИС"нинг Олмалик филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита: 2018 йил 1 июлга қадар мuddатда Филиалнинг бино ва иншоотлари реконструкция қилинишини, шунингдек, Филиал талаба ва ўқитувчилари яшаш учун ётоқхона тайёрлашишни; 2018 йил 31 августга қадар мuddатда Филиал жойлаштирилишини ва унинг зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа оргтехника, кутубхона фонди билан жиҳозлашишини таъминласин. 16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур

қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин. 17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат бошқари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталиқ визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мuddати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин. 18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан Филиални ташкил қилишда ва унинг фаолиятида иштирок этадиган малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рўхсатномалар берилишини (мuddати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (мuddати узайтирилишини) таъминласин. 19. 2019 йил 1 январга қадар мuddатда Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб қилинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиёт, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин. 20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда: Олмалик саноат касб-хунар коллежи ходимларини ишга жойлаштириш; Олмалик саноат касб-хунар коллежи ўқувчилар контингентини яқин бўлган тегишли касб-хунар коллежларига йўналиш(қасб)лар бўйича жойлаштириш орқали уларнинг келгусида таълим олишини таъминлаш чораларини кўриши. 21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 22. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В.Акмалов, А.С.Султонов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов ҳамда "Олмалик ТМК" АЖ бошқаруви раиси А.Қ.Фармонов зиммасига юклансин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ, УЛАРГА ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ДАВОЛАШНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Куйдагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогия марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: аллергиялогия соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш асосида аллергия касалликларини профилактика қилиш, уларга молекуляр ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ягона марказлаштирилган тизимни яратиш ҳамда аллергия касалликларини эрта анкиловчи скрининг дастурларини барча жойларда босқичма-босқич жорий этиш; соғлиқни сақлаш амалиётига илм-фаннинг ижобий натижаларини жорий этиш имконини берадиган биотехнология умумжагона ютуқлари билан боғлиқ ҳолда аллергиялогия соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, аллергия касалликларининг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш; аллергия касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун зарур бўлган дори-дармон воситалари, тиббиётда қўлдан кўчма мулкдорлик бўлган ва тиббиёт техникаси, жумладан, ташхис қўйиш ва даволаш аллерженлари, реагентлари ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш даражасини ошириш; клиник аллергиялогия ва иммунология соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш, бу соҳада етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш; қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, аллергиялогия соҳасига грантлар ва инвестицияларни жалб қилиш, тажриба алмашиш мақсадида хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, аллергиялогия соҳасини ривожлантиришга бағишланган конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказиш. 2. Аллергия касалликларининг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда комплекс чора-тадбирлар деб юрutiлади) иловига мувофиқ тасдиқлансин. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин. 3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аллергия касалликларини эрта анкиловчи учун 18 ёшга тўлмаган ва хавф остида бўлган болаларни 2019 йил 1 январдан 1 июлга қадар ташхис бўйича бир марталиқ умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда - бир марталиқ акция) эълон қилиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин. Белгилансинки, бир марталиқ акция оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктларида, шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига борган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг фаол иштирокида бепул асосда ўтказилади. 4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой мuddатда "Соғлиқни сақлаш" тармоғи бўйича ҳар йили назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида: ушбу қарорда белгиланган йўналишларни ҳисобга олган ҳолда Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергия-

логия марказининг янгиланган ташкилий-штар тузилмасини ва таъсис ҳужжатларини тасдиқласин; давлат тиббиёт муассасаларининг даволаш-ташхис қўйиш аллерженларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш ҳамда давлат тиббиёт муассасалари эҳтиёжлари учун ўз вақтида ва узлуксиз етакчи бериш мақсадида уларни харид қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин. 5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги "Дори-Дармон" АК ва Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогия маркази билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб энг юқори бўлган даволаш-ташхис аллерженлари давлат томонидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин. 6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой мuddатда аллергияга қарши дори воситаларини, профилактика рекомбинант аллержия вақциналарини, даволаш ва ташхис қўйиш аллерженларини устувор равишда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тақлифлар киритсин. 7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой мuddатда: а) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогия марказида лаборатория амалиёти халқаро стандартларига (GLP) жавоб берадиган замонавий юқори технология ускуналари билан жиҳозланган клиник-иммунология лабораториясини ташкил этиш бўйича тақлиф киритсин; б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий тиббиёт таълим муассасаларидаги ўқув дастурлари ва юк-ламаларини танқидий ўрганиш асосида: Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида аллергиялогия ва клиник иммунология кафедрасини ташкил этиш; 2018/2019 ўқув йилидан клиник ординатурага қабул қилиш квотасини қўлайтириш; 2019/2020 ўқув йилидан "аллергиялогия ва клиник иммунология" мутахассислиги бўйича магистратура йўналишини очид; Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида аллергиялогиянинг малакасини ошириш ўқув дастурларини такомиллаштириш; аллергия касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда фармацевтика тармоғи учун кадрларни тайёрлашнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини кўрсин; в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда аллержик реакциялар ва касалликларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш учун техник вазифаларни ишлаб чиқин ҳамда тасдиқласин, уни босқичма-босқич жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин; г) республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида тиббий хизмат кўрсатиш ҳажмини назарда тутиви аллергиялогия йўналишида тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини, мутахассисларнинг функционал вазифаларини белгиланган ҳолда аллергиялогия хонаси ва бўлимининг жиҳозлаш стандартларини тасдиқласин;

д) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига хорижий ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб қилиш, илмий-педагогик кадрларнинг хорижда малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш мақсадида аллергиялогия ва иммунология соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар ва муассасалар, жумладан, Аллергологлар ва клиник иммунологларнинг Европа академияси билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва илмий ривожлантириш ташкилий-амалий чораларини кўрсин. Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган таълим жараёнларини ташкил этиш олий тиббиёт таълим муассасалари ва иқтисослаштирилган тиббиёт марказлари, мамлакатимиз тиббиёт муассасалари аллергиялогия бўлимлари ва етакчи хорижий клиникларнинг илмий-амалий базасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. 8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой мuddатда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда: Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда аллержия ўсимликлар чанги тўпланишини кузатишни ва муайян ҳудудда аллержия патологияси билан касалланган беморларни хабардор қилишни назарда тутидиган аэробактериологик мониторинг тизимини яратиш; Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда аллержик касалликлар ташхисини ултразамонавий биологик микрочипларни қўлдан ҳолда ташкил этиш, шунингдек, келгусида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг "аллергия паспортини" ишлаб чиқиш; Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда етакчи халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда аллергиялогия ва иммунология соҳасида илмий-таълим, таълим ва ишлаб чиқариш инновацияларини ривожлантириш мақсадида лаборатория ва илмий амалиётнинг халқаро стандартларига (GLP, GSP) жавоб бериши Халқаро молекуляр аллергиялогия ва иммунология марказини ташкил этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида аллержик касалликларни профилактика қилиш, барвақт ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни олиб бориши. 10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда: қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин. 11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Р.С.Қосимов, Р.Р.Иноятнов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов зиммасига юклансин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 11 май

ЎЗБЕКИСТОН - АҚШ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"General Electric" корпорацияси ўзбек иқтисодиётининг нефть-газ ва авиация жабҳаларидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашмоқда, соғлиқни сақлаш, қайта тикландиган энергия манбаларини ишлаб чиқишдаги лойиҳаларни молиялаштирмоқда. Ўзбекистоннинг дам олиш индустриясидаги салмоқли имкониятлари ҳамда республикамизда сайёҳлик бизнеси учун яратилган қўлай шароитлар "Hyatt" корпорациясининг эътиборини тортди. Бугунги кунда ҳашаматли Hyatt Regency Tashkent меҳмонхонаси Ўзбекистон пойтахтининг марказини безаб турибди. Ҳозирги пайтда компания Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда меҳмонхоналар тармоғини очиб режаларини кўзламоқда. Бошқа йирик корпорация - "Hilton" ҳам Ўзбекистонга назар солмоқда. Бу ҳали ўзбек бозорига кирган ва кўпгина муваффақиятларни қўлга киритган Америка бизнес субъектларининг тўла рўйхати эмас. Сўнгги пайтларда валюта сиёсатини либераллаштириш, солиқ режимини соддалаштириш, сармоядорлар учун қўшимча қўлайлик ва имтиёзлар яратиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўраётган республикамиздаги ишбилармонлик муҳити АҚШнинг етакчи фирма ва компанияларининг эътиборини ўзига тортмоқда. Шубҳа йўқки, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси томонларнинг салоҳияти ва иштишларига тўла жавоб бермайди - олдинда амалий ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича улкан чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ ишлар турибди. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ўрта мuddатли истиқболда асосий хорижий шериклар билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришдаги устувор йўналишларда бир қатор аниқ равшан чора-тадбирлар кўзда тутилган. Хусусан, ўзбек иқтисодиётини модернизациялаш, кадрлар тайёрлаш ва инсоний капитални ривожлантириш, жумладан, Америка томонининг сармоявий ва маслаҳат қўмағини жалб этиш йўли билан республиканинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши масалаларида Қўшма Штатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш назарда тутилган. Халқимиз ва келгуси авлод фаровонлигини таъминлаш йўлида миллий иқтисодий тизимни сифат жиҳатдан янгиллаш, тармоқларни жадал ва барқарор ривожлантириш, айнакиса, иқтисодиётни юқори технологиялар асосида раванқ топтириш бўйича Ўзбекистон кўзлаган режалар назарда тутилганда бу чора-тадбирларнинг барчаси нақадар муҳим аҳамията эга эканлиги яққол аён бўлади. Шаҳриёр ТУРҒУНБОВ, "Жаҳон" АА

ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) ва Германия Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) билан биргаликда "Қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг замонавий услуби" мавзусида халқаро семинар ўтказди.

Семинарда Олий Мажлис палаталари депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, Германиянинг соҳа бўйича етакчи экспертлари ҳамда мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинардан қўзланган асосий мақсад – қонун ижодкорлиги жараёнига замонавий услубларни ва механизмларни жорий этиш бўйича Германия тажрибасини чуқур ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнида қўллаш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Қонунчилик муаммолари институти директори Р.Ҳақимов ва бошқалар қонун ижодкорлигининг замонавий услубларини чуқур ўрганиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш қонунларнинг сифатли бўлишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ)нинг "Марказий Осиё давлатларида ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашиш" минтақавий дастури директори Йорг Пуделька тўғрисида тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш, идоравий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётини босқичма-босқич қисқартириш борасида немис тажрибаси билан ўртоқлашди. Шунингдек, германиялик эксперт Франциска Брандт ҳам Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги соҳасида амалга оширилган ишларни юқори баҳолаб, бу борада Германия тажрибасининг ижобий жиҳатларини Ўзбекистон қонунчилиги амалиётига жорий этишнинг истиқболлари ҳақида фикр билдирди.

Семинар якунида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида миллий қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш, бу борада Германиянинг илгор тажрибасидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**И.АХАТОВА,
ЎЗА мухбири**



БОЛАЖОНЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом турмуш тарзини ривожлантириш, мактабгача ёшдаги болаларга инсонпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш, соғломлаштириш, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ишларига катта эътибор берилмоқда.

Олмазор туманида жойлашган 441-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрган чоғимизда болажонларнинг шўх-шодон кулгулари тинч ва осойишта юртимизга нақадар ярашаётганига гувоҳ бўлдим.

Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида хизмат қилган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш эзгу анианага айланган.

Ушбу сана муносабати билан пойтахтимизнинг барча гўшасида турли хил учрашув, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Олмазор туманидаги 441-мактабгача таълим муассасасида ўтказилган маданий-маърифий тадбир ҳам шулар жумласидандир.

– Истиқлол йилларида мамлакатимизда болаларимизнинг бахтиёрлиги ва баркамоллиги

йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг кўлами янада кенгайди, – дейди 441-мактабгача таълим муассасаси мудириси Умида Алимўхамедова. – Уларга кўрсатилаётган катта эътибор натижасида ёшларимиз мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийларига ҳурмат кўрсатилиши, уларнинг уруш йилларида кўрсатган жасорати, мардлиги ва қаҳрамонликларини кенг тарғиб қилиниши ёшлар маънавиятини юксалтириш, улағайиб келаётган авлодни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Мактабгача таълим муассасаларида бундай тадбирларнинг ўтказилиши, тарбияланувчиларда она юртга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради.

Жонқуяр тарбиячилардан Барно Исомўхамедова ва бошқалар тадбирнинг мазмунли ўтишига ўз хиссаларини қўшишди. Болажонларга шу куни байрамона дастур намойиш этилди. Жажжи ўғил-қизларнинг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

Тинчлик учун жон фидо этган ҳарбийлар хотирасини ёд олиш орқали болажонларда она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоюларига садоқат туйғусини шакллантириш мақсадида тумандаги биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳайкали қад ростлаган майдонга олиб борилди. Болажонларга унинг жасорати, қатъияти ҳақида сўзлаб берилди.

Тадбирда иштирок этган оналар, меҳмонлар ташкилотчиларга ўзларининг илиқ таасуротларини изҳор қилиб, миннатдорчилик билдиришди.

(ЎЗ мухбиримиз)

Реклама ўрнида

**INNOVATION TUTUNSIZ
EKOMANGAL**
kantserogensiz, oddiy va foydali

PGS

www.pgs.uz

279-38-54, 279-25-23

САЛОМАТЛИК ВА АТРОФ-МУҲИТ УЧУН ФОЙДАЛИ

Инсон саломатлигини таъминлашда тўғри ва соғлом овқатланиш муҳим ўрин эгаллайди. Кўпчилигимиз соғлом овқатланиш деганда сабзавотлар ва кўкатларни истеъмол қилишни тушунамиз, ammo бир нарсани унутмаслик керакки, организмимиз тўлақонли фаолият юритиши учун гўшти овқатларни истеъмол қилиб туриш зарур.

Одатда диетологлар гўшти овқатларнинг саломатлик учун хавфли эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Айниқса, кабоб ҳақида баҳслар кўп қўзғатилади. Зеро, ҳар қандай шаклда қовурилган гўшт ошқозон учун оғир ҳисобланади ва овқат ҳазм қилиш тракти функцияларининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Айни пайтда диетологлар гўшти таомларнинг зарарлигига ургу беради, фақат бугда пиширилган таомларни истеъмол қилишни тавсия этади. Аммо уларни тобига етказиб пиши-

рилган, сели оқиб турган мазали кабоб билан таққослаб бўларми?

Кабоб асосан сиҳда ёки барбекю шаклида пиширилади, ammo ҳар икки ҳолатда ҳам манқал зарур. Олимларнинг асосий эътирози унга қаратилган, зеро тутун таъсирида гўшт зарарли токсинларга тўйиниши ва бу инсон соғлигига салбий таъсир қилиши мумкин, деб ҳисобланади.

Гувоҳи бўлмоқдамиз бугунги кунда ҳаётга замонавий технологиялар ва инновацион ишланмалар жорий этилмоқда. Бу бо-

рада ҳам янги қўрилмалар ишлаб чиқилган, яъни кабоб пиширишга мўлжалланган электр кўралар ўйлаб топилган ва улардан ҳозирда фойдаланилмоқда.

Бозорларимиздан энига ва узунлигига кўра турли ўлчамдаги электр кабоб пишириш ускуналарини харид қилиши мумкин. Улар орасида "ПГС" электр кўралари алоҳида ўрин эгаллаб, тутун ва оловсиз ҳақиқий кабоб тайёрлаш имконини беради.

Аънавий кабобнинг мазали сифатларини сақлаш учун иситиш элементини сифатида керамика қўлланилган. Шунингдек, ўзига хос техник ечим таклиф қилинганки, бунда керамик иситиш элементлари кабобни худди кўмир чўғида пиширилгандек мазали бўлишини таъминлайди.

Иситилган металл тўлқини жуда узун, иссиқлик нурунинг зичлиги паст бўлади. Керамика қўлланилганда ўзгача ҳолат кузатилади – тўлқиннинг узунлиги кам, ammo иссиқлик нурунинг зичлиги баланд бўлади. Шу сабабли бундай кўрада тайёрланган кабоб жуда яхши пишади, ширали ҳамда хушбўй бўлади. Гўшти маромига етказиб тайёрласангиз бас, "ПГС" электр кўрасида пиширилган кабобнинг мазаси кўмирда тайёрланган кабобникидан ўтса ўтадики, қолишмайди. Айни пайтда бундай техник ечим кабобнинг саломатлик учун фойдали бўлишини ҳам таъминлайди.

Электр кўрада умуман тутунни кўрмайсиз, унинг олдини олишга мўлжалланган махсус

металл таглик мавжуд. Кабоблардан томаётган сел ушбу совуқ тагликка оқиб тушади ва тутунга боғлиқ муаммолар юзага келмайди. Ушбу ускунанинг афзаллигининг яна бир жиҳати – экологик омил билан ҳам белгиланади. Олимларнинг фикрича, очик оловда таом тайёрланганда калориянинг 45 фоизи бевосита кабоб пиширишга сарфланади. Қолган 55 фоизи атмосферага чиқиб кетади, кислородни емириб, ис газини ҳосил қилади. Электр кўраларда эса калориянинг 95 фоизи таом тайёрлашга кетади ва фақат 5 фоизи аτροφ-мухитга чиқарилади. Демак, умумовқатланиш корхоналарининг тезкорлик билан электр кўралардан фойдаланишга ўтиши экологик нуқтаи назардан катта самара беради.



"С" серияли (тутунсиз манқал) "ПГС-031" электр кўраларда нафақат очик ҳавода, балки ёпиқ жойларда: кафе, ресторан ёки кўп қаватли уйларнинг хонадонида кабоб пишириш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, ҳақиқий кабобни ўтин, кўмир, олов ва тутунсиз "ПГС" электр кўраларида тайёрлаш мумкин. Айни пайтда бундай таом саломатлик учун ҳам, аτροφ-мухит учун ҳам фойдали бўлади.

ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН МУЛКНИ ОЛИШ ҲАМ ЖИНОЯТ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шахснинг манфаатлари, яъни ҳаёти, соғлиги, шайни, қадр-қиммати ва эркинликлари билан бир қаторда, мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам асосий вазифалардан бири сифатида қаралди. Чунки бозор иқтисодиётга асосланган ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳаси ёки тармоғини шахснинг мулкий ҳуқуқларисиз тасаввур қилиш қийин.

Ижтимоий манфаатлар тизимида шахснинг мулкий ҳуқуқлари энг муҳим манфаатлар сифатида баҳоланади, мулкий ҳуқуқларга тажовуз қилиш бевосита шахсга тажовуз қилиш билан тенгдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида мулк ва унга бўлган ҳуқуқнинг дахлсиз эканлиги белгилаб қўйилган.

Республикамизда жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жинояти нафақат иқтисодиёт соҳасидаги, балки умумий жиноятчилик тизимида ҳам кенг тарқалган жиноят ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишга қарши кураш чораларининг самардорлигини ошириш, ушбу турдаги жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув ва дастлабки тергов олиб бориш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш зарурати юзага келмоқда.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жинояти юзасидан терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш ички ишлар органларининг терговига тегишли эканлиги бизга маълум. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги "Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга кўра Жиноят кодекси 173-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг суриштирувчилари томонидан ўтказилиши белгилаб қўйилди. Жиноят кодекси 173-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган жиноятлар бўйича эса дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан ўтказилади.

Кўрсатилган шартлардан биронтаси мавжуд бўлмаса, шахснинг ҳаракатларида ушбу жиноят белгилари мавжуд деб топилгани мумкин эмас. Шу сабабли, масалан, жиноят йўли билан топилмаганлиги, балки ишлаб чиқарилганлиги айбдорга маълум бўлган мулкни сотиб олиш ёки қўлга киритишга қаратилган ҳаракат Жиноят кодексининг 171-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳолда, агар амалдаги қонунчилик бўйича ушбу мулкни ишлаб чиқариш жиноят деб топилса, унда жиноий жавобгарлик Жиноят кодексининг ўша ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларига кўра келиб чиқади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш дейилганда, айбдор томонидан мулкнинг жиноий йўл билан топилганлигини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиши ёки ўтказиши тушунилади.

Демак, шундан келиб чиққан ҳолда мазкур жиноятнинг предмети жиноий йўл билан топилган мулк ҳисобланади, шу сабабли қонун чиқарувчи Жиноят кодексининг 171-моддасида жиноятнинг предмети сифатида намоён бўлувчи мулклар сифатида жиноий йўл билан топилган мулклар бўлиши кераклигини тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жиноятнинг предмети сифатида намоён бўлувчи мулкларни Жиноят кодексида белгиланган қайси жиноятларни содир этилиши натижасида олиниши мумкинлигини қонун чиқарувчи алоҳида белгилаб бермаган ва чегараламаган, бироқ айбдор мулкни ўз тасарруфига олиш ёки уни ўтказишда ва мулкни ўзида пайдо бўлишида, мулкни келиб чиқиши мумкин бўлган жиноятда иштирок этмаган бўлиши керак. Мулк унга нисбатан бўлган муносабатларда унга бутунлай бегона бўлиши шарт.

Ушбу жиноят объекти эгаллик ҳуқуқи ва бошқа мулкий ҳуқуқлар, шунингдек, жамиятда шаклланган ва қонунчиликда акс эттирилган мулкни тасарруф этиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 171-моддаси бўйича қимматбаҳо металллар, табиий қимматбаҳо тошлар, ядровий материаллар ёки радиоактив воситалар, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қўрилмалари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, захарли, захарловчи моддалар мазкур жиноятнинг предмети бўлиши мумкин эмас. Мазкур предметларни қонунга хилоф равишда эгаллаш Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жазоланади.

**М.ХИДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси курсанти**

"PGS" корхонаси томонидан электр кичик новвойхоналар, қозонлар, кўралар, сауналар, иситтичлар, тандирлар каби кенг турдаги электр жиҳозлар тайёрланади.

Махсулотларимиз патентланган ва сертификатга эга.

Мулоқот учун: телефонлар: 279-38-54, 279-15-70;

факс: (+99871) 279-25-23;

веб-сайт: www.pgs.uz, e-mail: pgs@yandex.ru.

Товарлар сертификатланган.



Спорт янгилклари

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Юртимиз футболни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси раҳбарияти ташаббуси билан ислохотлар амалга ошириляпти.

БААнинг Дубай шаҳрида УФАнинг биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов КОНКАКАФ вакиллари – Канада, АҚШ, Мексика футбол федерациялари раҳбарлари билан учрашди. Ҳозирда ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига бағишланган учрашувда УФА вакилининг турли йўналишларда тажриба алмашиши хусусидаги таклифи АҚШ, Канада, Мексика футбол фе-

дерациялари раҳбарлари қўллаб-қувватлашди. Футбол мутасаддилари ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам фойда келтиришини таъкидлашди. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, 2026 йили уюштирилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида АҚШ, Канада, Мексика биргаликда мезбонлик қилишга аҳд қилган.

ИТАЛИЯЛИКЛАР БИЛАН КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Италия футболнинг халқаро миқёсда тутган ўрнига ортиқча таъриф бериш шарт эмас.

Ушбу мамлакатда миллионлар ўйинининг ривож учун ўзига хос излашлар олиб борилгани сабаб ҳам Италия терма жамоаси футбол бўйича нафақат Европада, балки кўраи замида катта муваффақиятларга эришган. Тўрт қарра жаҳон чемпионлигини кўлга киритган Италия терма жамоасининг муваффақиятлари сирини умуман олганда эса ушбу юрда футбол бўйича амалга оширила-

ётган ишларни ўрганиш фойдадан холи эмас. Яқинда УФА биринчи вице-президенти ташаббуси билан УФА ҳамда Италия футбол федерацияси билан ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди. Италия футбол федерацияси мураббийлари раҳбарлигида Италия мураббийлари ассоциацияси президенти Ренцо Уливери ҳамкорлик асосида мамлакатининг мутахассисларининг

салоҳиятини оширишга ҳисса қўйиш ниятида эканлигини айтди. Режага кўра, жаноб Уливери жорий йилнинг июль ойида юртимизга икки нафар мураббий-инструктор билан келади. Италияликлар сафар давомида ёшлар жамоаларида машғулот ўташ тартиби, учрашувларга тактик, жисмоний тайёргарлик кўриш масалалари бўйича ўқув-курслари олиб боришлари режалаштирилган.

НУФУЗЛИ ТУРНИР ТАҚВИМИ

Келгуси йилнинг 5 январь – 1 февраль кунлари футбол бўйича уюштирилган Осие кубогига юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган Ўзбекистон миллий терма жамоаси қўрға яқунларига кўра "F" гуруҳидан ўрин эгаллагани мухлисларга маълум.

БААда ўтайдиган Осие кубогига миллий терма жамоамиз ўз гуруҳида Япония, Уммон ва Туркменистон терма жамоалари қаршиликни енгиб ўтиши талаб этилади. Осие кубогининг "F" гуруҳи беллашувлари 9-17 январь оралиғида бўлиб ўтади. Дастлабки турда ҳамюртларимиз уммон-

лик чарм тўп усталарига қарши кураш олиб боришса, 13 январда бўладиган 2-турда ён қўшниларимиз туркменистонликларга қарши майдонга тушилади. Гуруҳнинг сўнгги баҳси 17 январь кунни Япония – Ўзбекистон ўртасида бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой Ўқув СТК", "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод Ўқув СТК" унитар корхоналари ва Ёшлар иттифоқи Миробод ва Яккасарой туман Кенгашлари билан ҳамкорликда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида милтиқдан ўқ отиш бўйича мусобақа ва "Хотира – муқаддас, хотира – шараф" деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан она Ватанимиз тинчлиги йўлида жон фидо этганлар хотирасини ёд этиш орқали ёшларимиз қалбида инсонийлик, меҳр-муруватни мустаҳкамлаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган мусобақа аввалида Яккасарой туман маданият бўлими ҳамда тумандаги 5-сонли болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари ўз чиқишларини намойиш этишди. Муסיқий дастур иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади. Шундан сўнг мусобақа бoш ҳақами М.Маҳмамов спортчиларни шартлар ва тартиб-қоидалар билан таништириб ўтди.

Натижаларга кўра, мусобақада биринчи ўринни Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги академик лицей ўқувчилари жа-

моаси эгаллади. Мусобақа сўнггида фахрли ўринларни эгаллаган барча иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан, шунингдек, мусобақани ўтказишда яқиндан ёрдам берган "Дўстлик" маданият ва истироҳат боғи раҳбари, Яккасарой тумани маданият бўлими ҳамда 5-сонли болалар мусика ва санъат мактаби ташаккурномалар билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

МАҒЛУБИЯТСИЗ МУСОБАҚА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси спорт мажмуасида Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан пойтахтимизда жойлашган ҳарбий қисмлардаги аскар-ёшлар ўртасида "Ёшлар кубоги" лойиҳаси доирасида спортнинг футбол, тош кўтариш, армрестлинг, турник ва брусда тортилиш турлари бўйича мусобақа ташкил этилди.

Мазкур мусобақани ўтказишдан асосий мақсад миллий армиямиз сафидаги аскар-ёшларни чиниктириш ва жисмонан бақувват, маънан етук кадр бўлишларига кўмак бериш ва рағбатлантиришдан иборат.

Навоий вилоятининг Нурота туманида туғилганман, — дейди оддий аскар Мирзодбек Жўрақулов. — Сўлим табиат ўзи билан тиллашиб, уйғунликда яшашга ундайди. Болалигимдан самбо билан шуғулланиб келардим. Кейин армрестлинг билан мунтазам машғул бўлиб, мусобақаларга қатнаша бошладим. Бу борада омадим келиб 5 маротаба Осие чемпиони, 41 маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлишга муваффақ бўлдим. Ютуқларимдан қаноатланиб қолганим йўқ, ҳали юксак марралар олдинда.

Мусобақа жуда қизгин ва муросасиз курашларга бой ўтди. Унда Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларда ҳизмат қиладиган аскар-ёшлардан ташкил топган ҳар бир спорт тури бўйича 10 тадан, жами 50 та жамоа беллашди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси жамоаси спортнинг футбол тури бўйича 1-ўринни қўлга киритган бўлса, армрестлинг мусобақасида энг олий ўринни оддий аскар Мирзодбек Жўрақулов эгаллади. Тош кўтариш бўйича голиб икки оддий аскар Ботиржон Ҳўжабеков, турникда тортилиш бўйича голибликни оддий аскар Бахрулло Ҳайруллаев қўлга киритди. Брус машқлари мусобақасида оддий аскар Азамат Кенжаев барча сафдошларидан ўзиб кетди.

Фаёз КЎШАКОВ

БОЖХОНА ФОШ ЭТАДИ

Пойтахт аэропортида 85 млн. сўмлик дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди

Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари кўп миқдордаги тиббий буюмларнинг ноқонуний олиб кирилишининг олдини олишди. "Москва-Тошкент" рейси бўйича парвозини яқунлар экан, фуқаро З.Б. божхона чегарасидан "яшил" йўлак орқали ўтади. Бу билан у ёнида тақиқланган ёки ортиқча юклари йўқлигини маълум қилган хисобланади. Лекин, божхона ходимларида шубҳа уйғотгани сабабли унинг юклари белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, унинг қилмишлари фош бўлди.

Қаранг-ки, З.Б. юклар орасида божхона назоратига тақдим қилинмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида айтилмаган, умумий нархи дастлабки суриштирувларга кўра 60 млн. сўмлик 14

турдаги 409 донна стоматологик тиббий буюмларни олиб киришга уринган экан. Айни шу рейс билан учиб келган яна бир йўловчи фуқаро А.Ж.га ҳам божхона чегарасидан "яшил" йўлак орқали 29 турдаги 113 донна дори воситалари ва тиббиёт буюмларини олиб ўтиш "насиб" қилмади. Ушбу шахс қиймати 25 млн. сўмлик ушбу товарлар ҳамда йўловчи божхона декларациясида ҳам, божхона ходимларининг оғзаки сўрови пайтида ҳам маълум қилмасдан туриб, олиб кирмоқчи бўлган пайтда тўхтатиб қолинди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

"Тошкент-Аэро" ИБК Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛОЙИХАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Истиклол кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиали биносида реставрация ва қайта тиклаш ишлари олиб борилиши муносабати билан, ушбу ишлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида батафсил маълумотни куйидаги манзилдан олиш мумкин. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Истиклол кўчаси, 25-уй. Телефонлар: (371) 233-58-56, 232-04-99.
Нархлар кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 27.03.2018 йилдаги № 592102 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MALAKA OSHIRISH VA SO'G'LOMLASHTIRISH VETERINAR MARKAZI" МЧЖ (ИНН 305437345) таъсисчининг 13.05.2018 йилдаги №1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**
Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уйда қабул қилинади. Тел: (95) 515-91-40.

Бектемир туманидаги 30-сонли Болалар мусика ва санъат мактабининг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишлари учун 12 600 000 сўмга **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

С.Раҳимов тумани ер тузиш ва кўчас маълумот кадастри давлат корхонаси томонидан С.Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 35в-уй, 35-хонадон учун Содиржон Мирғани номига 10.10.2011 йилда берилган ТS 1318639-сонли гувоҳнома йўқолиши сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 15 май кунини ҳаво ўзгариш турари, кунининг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Гарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 15-17, кундузи – 24-26 даража илқ бўлади. **Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 майда Тошкент шаҳрининг ой-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига илқолиши яратилди, ифлослини даражаси паст бўлади.**